ВАТАНГА КЎПРОҚ ДОН ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК!

Ғаллакор ўртоқлар, ғалла фронтида қизғин дамлар яқинлашмоқда. Ўрим-йиғимни шайланиб кутиб олайлик!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 105 (2653). | Шанба, 30 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

УЛКАН ХИРМОНИМИЗГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШАДИ:

Ўрта Чирчиқ	—	1.378.600 пуд
Юқори Чирчиқ	—	1.189.500 пуд
Бўка	—	793.000 пуд
Бекобод	—	366.000 пуд
Янгийўл	—	366.000 пуд
Оққўрғон	—	227.000 пуд
Калинин	—	183.000 пуд



Суратда: (чапда) Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Коммуна» колхозининг илғор комбайнчиси А. Ниёзов, ўз комбайни билан. У мавсумда хўжаликнинг 400 гектардаги ғаллаcини ўриб беришга аҳд қилган. (Ўнгда) Колхозининг кенг ғаллазори.

ОМБОРЛАРИМИЗ ОЛТИН ДОНЛАРГА ТЎЛСИН!

ПАХТАКОР ЎЛКА — ҒАЛЛАКОР ЎЛКА

Пахтани ўзбек халқининг миллий ифтихори, деб биламиз. Ватанимиз тинчлигининг, кучу-қудратининг боиси бўлган, уст-бошимиз бутлиги, эл-юртнинг тўқлиги, дастурхонимиз бутлиги боиси бўлган «оқ олтин»имизни эъзозлаймиз, қадрлаймиз. Шу шарафли касбнинг эгалари — азамат деҳқонлар серқуёш республикамизнинг шон-шуҳратини кўкларга кўтариштек олижаноб туйғуни дилларига жо қилганлари ҳолда пахта майдонларида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Эндиликда деҳқонларимиз ўз олдиларига яна бир улуғвор вазифа қўйишди. Улар фақатгина «оқ олтин»имиз билан эмас, олтин ғалламиз билан ҳам Ватанимизни, партиямизни, халқимизни мамнун этайлик. Ўлкамиз ҳам пахтакор, ҳам ғаллакор ўлкага айлансин, дейишмоқда.

Ўтган йили республикамиз эл омборига 16 миллион пуддан ортиқ дон армуғон этди. Ғаллакорларимиз зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан адо этишди. Уларнинг чеҳралари олтин донимиздек равшан бўлди.

Бу йилги аҳду паймон яна ўз гаҳ. Лалмикор ерларда ҳам, суғориладиган ерларда ҳам ҳали мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштиришдек жанговар шиорни ўртага ташлашди. **Серқуёш республикамиз бўйича 35 миллион пуддан ортиқ ғалла етиштирамиз, деб аҳд қилишди. Бу нима деган сўз. Бу ғалла ҳам момиқ «оқ олтин»имиз каби миллий ифтихоримиз, олтин дурдонамиз бўлиб қолади деган сўз!**

Биз республикамиз бўйича зиммага олинган ана шундай юксак мажбуриятни бажариш учун бошланган курашга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз, деб отланган областимиз ғаллакорлари бу йил камида 4,7 миллион пуд дон етиштириш иштиёқи билан яшамоқдалар.

Областимизнинг колхоз ва совхозларида энг бақувват ерлар бўлдой, арпа, маккажўхори ва бошоқли экинлар учун ажратилди. Шу ерлар хафсала билан ишланди. Суғориладиган ерлар учун етарли миқдорда тупроқ озуқаси жамғарилди. Звено ва бригада бошлиқлари қилиб ишнинг кўзини биладиган, меҳнатда тобланган, касбига меҳр қўйган жонкуяр кишилар тайин этилди. Бугун ана шу колхоз ва совхозларнинг ғалла етиштирадиган ерларида бўлсангиз кишиларнинг бир-бирига шогирд, бир-бирига устоз бўлиб қилаётган фидокорона меҳнатларини кўрасиз. Уларнинг аҳду-паймонлари чин эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Область ғаллакорларининг кенгашида сўзга чиққан Юқори Чирчиқ бошқармаси партия комитетининг секретари **И. Ладушкин**, «Кўкорол» совхозининг директори **К. Енгкелдиев**, Ўрта Чирчиқ бошқармасининг бошлиғи **Т. Ортиқхўжаев**, 1-«Оҳангарон» совхозининг директори **Ф. Гуломов**, Юқори Чирчиқдаги «Гулистон» колхозининг раиси **Э. Холматов** ўртоқлар ана шулар ҳақида ҳикоя қилишди. Пахта каби ғалла етиштиришни ҳам кўпайтира бориш, бу йилги ҳосилни ўриб-йиғиб олишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш соҳасида ҳозир нималарга эътибор бериш лозимлигини ўртоқлашишди.

Ўртоқ Т. Ортиқхўжаев ўтган йили бошқармада 35 минг 590 тонна дон етиштирилганлиги, план 145 процент бажарилганлиги ҳақида гапириб:

— Бу йил, — деди у, — бошқармамиз ғаллакорлари қўёшли диёримиз ва республикамиз Компартияси 40 йиллик тўйига муносиб тўёна билан келишмоқчи. Улар Ватан омборига 52,7 минг тонна дон етиштириб беришмоқчи. Бу ўтган йилгидан қарийб 20 минг тонна кўпдир.

Ўртоқ К. Енгкелдиевнинг сўзларини кенгаш қатнашчилари завқланиб тинглашди. Нега? Чунки «Кўкорол» совхози икки йилдирки, колоқликдан чиқди, қаддини ростлаб олди. Ўтган йили совхоз 1962 йилдагига қараганда 800 тонна кўп пахта тайёрлаб, йиллик планни 126 процент бажарди. Ўша йили 1962 йилдагига қараганда 1500 тонна кўп ғалла етиштирилди. Ғалла майдони 5600 гектардан 9460 гектарга етказилди. Бу йил, илгари 10—15 центнердан ғалла олиниб келинаётган ерлардан энди қандай қилиб юз центнердан ҳосил олса бўлади. Бунинг учун қандай тадбирни амалга ошириш керак? Ёшлар қандай имкониятларга суяниб хайрли ишга отланишди? Бу саволларга кенгашда ўз тажрибаларини ҳикоя қилиб берган йигит-қизларнинг сўзларидан жавоб топамиз.

— Ернинг қадрига етган, уни боқиб, семиртирган деҳқон, доғда қолмайди ахир ерни тўйдирсанг, у элни тўйдиради деган ҳикматли гап бор. Ўтган йил ноябрь ойида ғалла майдонларини самолет билан озиқлантирдик. Ўғит кучи ҳавога учмасин деб бороналадик. Ўтни йўқотайлик деб ғоз панжали культиватор билан узунасига, кўндалангига ишлов бердик. Ана шуларнинг ҳаммаси кузда экилган буғдойзорларда юқори ҳосил етиштиришга имкон берди. Мўлжалимиз гектаридан 40 центнердан. — кенгаш қатнашчилари «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи ўртоқ **Н. Жўрабоев**нинг сўзларини эътибор билан тинглашди. — эндилиқда ҳар бир ер парчасини, ҳар бир ариқ ва ёнбоғ ер парчасини ишлатишга ҳаракат қилиб, ҳосилдорлигини ошириш учун ҳеч қачон эсдан чиқармайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Озарбайжон халқини социал ва миллий зулмдан абадий қутқарди, унга чинакам озодлик ва мустақиллик берди, Озарбайжон халқини янги ҳаёт қурилишининг нурли йўлига олиб чиқди. Озарбайжон меҳнаткашлари миллатчи мусоватчилар контрреволюцияси, гражданлар уруши йилларида ва хусусан Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватанга, СССР халқларининг қардошларча бирлиги ва бузилмас дўстлигига фидокорона содиқ эканликларини намойиш қилдилар.

Озарбайжон Совет ҳокимияти йилларида рус халқининг ва мамлакатимиз бошқа халқларининг қардошларча ёрдами туфайли Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси Ленин ордени билан мукофотланди.

Ўтган пайшанба куни Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Гулистон» колхозининг клуби одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда областимиз ғаллакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга қатнашиш учун ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари, колхоз раислари ва совхозларнинг директорлари, партия комсомол ташкилотларининг секретарлари, юз центнерчи ғаллакор звенолар ва бригадаларнинг бошлиқлари, комбайнчилар ва тракторчилар таклиф этилган эдилар.

Кенгашда ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш тадбирлари ҳақида маслаҳатлашиб олинди.

Сўзга чиққан бошқарма раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, юз центнерчи звено ва бригадаларнинг бошлиқлари кенгаш қатнашчиларига ўз тажрибаларини айтиб бердилар ва ғалла ўрим йиғимини қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида қимматли маслаҳатларни ўртага ташладилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. РАШИДОВ иштирок этди ва нутқ сўзлади. Ўртоқ Ш. РАШИДОВ кенгашда ўтган йили ғалладан мўл ҳосил етиштирган звено ва бригада бошлиқларига ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини топширди ва уларга сиҳат-саломатлик, ишларида катта муваффақиятлар тиледи.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг ходими П. В. КУЗНЕЦОВ, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари М. А. АБДУРАЗЗОҚОВ, қишлоқ область ижроия комитетининг раиси Э. Т. ШАЙХОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари баланд рух билан КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Никита Сергеевич Хрушчевга табрик мактуби қабул қилдилар.

100 ЦЕНТНЕРЧИЛАР САФИГА

Бу йил Ўзбекистон ленинчи комсомол ёшлари катта курашга бел боғлашди. 100 центнерчилар ҳаракатининг ташаббускорлари бўлиб чиқишди. Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев билагида кучи, юрагида ўти бор комсомол ёшларимизнинг бу ажойиб ватанпарварлик ташаббусини чин юракдан қутлади.

Хўш, илгари 10—15 центнердан ғалла олиниб келинаётган ерлардан энди қандай қилиб юз центнердан ҳосил олса бўлади. Бунинг учун қандай тадбирни амалга ошириш керак? Ёшлар қандай имкониятларга суяниб хайрли ишга отланишди? Бу саволларга кенгашда ўз тажрибаларини ҳикоя қилиб берган йигит-қизларнинг сўзларидан жавоб топамиз.

— Ернинг қадрига етган, уни боқиб, семиртирган деҳқон, доғда қолмайди ахир ерни тўйдирсанг, у элни тўйдиради деган ҳикматли гап бор. Ўтган йил ноябрь ойида ғалла майдонларини самолет билан озиқлантирдик. Ўғит кучи ҳавога учмасин деб бороналадик. Ўтни йўқотайлик деб ғоз панжали культиватор билан узунасига, кўндалангига ишлов бердик. Ана шуларнинг ҳаммаси кузда экилган буғдойзорларда юқори ҳосил етиштиришга имкон берди. Мўлжалимиз гектаридан 40 центнердан. — кенгаш қатнашчилари «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи ўртоқ **Н. Жўрабоев**нинг сўзларини эътибор билан тинглашди. — эндилиқда ҳар бир ер парчасини, ҳар бир ариқ ва ёнбоғ ер парчасини ишлатишга ҳаракат қилиб, ҳосилдорлигини ошириш учун ҳеч қачон эсдан чиқармайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Озарбайжон халқини социал ва миллий зулмдан абадий қутқарди, унга чинакам озодлик ва мустақиллик берди, Озарбайжон халқини янги ҳаёт қурилишининг нурли йўлига олиб чиқди. Озарбайжон меҳнаткашлари миллатчи мусоватчилар контрреволюцияси, гражданлар уруши йилларида ва хусусан Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватанга, СССР халқларининг қардошларча бирлиги ва бузилмас дўстлигига фидокорона содиқ эканликларини намойиш қилдилар.

Озарбайжон Совет ҳокимияти йилларида рус халқининг ва мамлакатимиз бошқа халқларининг қардошларча ёрдами туфайли Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси Ленин ордени билан мукофотланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ОЗАРБАЙЖОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Озарбайжон халқининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятларини, тадқиқотчилик ҳамда Озарбайжон Россия составига қўшилганлигининг 150 йиллигини нишонлаш юзасидан Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1964 йил 29 май.

Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига, Озарбайжон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Озарбайжон ишчилари, колхозчилари, интеллигенциясини, барча меҳнаткашларини Озарбайжон, рус халқларининг ва мамлакатимиздаги барча қардош халқларининг катта байрами — Озарбайжон Россия составига қўшилишининг 150 йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

Озарбайжоннинг Россия давлати составига қўшилиши Озарбайжон халқининг тақдирига катта ижобий таъсир кўрсатди. Бу тарихий воқеа Озарбайжон халқининг ажнабий босқинчилар истилосидан ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро урушларидан абадий қутулиши, ўтмишдаги хўжалик биқиқлиги ва феодал тарқоқликка барҳам бериши, илғор рус маданиятидан баҳраманд бўлиши учун имконият яратиб берди.

Россиянинг кўпроқ тараққий этган экономикаси таъсири билан Озарбайжонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи тезлашди, ишчилар синфи вужудга келиб, шакллана бошлади. Рус халқининг энг яхши намояндалари билан маҳкам алоқа боғланганлиги Озарбайжон меҳнаткашлари ўртасида умумдемократик ва марксистик ғояларни кенг ёйишда жуда муҳим роль ўйнади. Ана шу ғоялар асосида Озарбайжон халқининг Россия пролетариати ва меҳнаткаш деҳқонлари билан жанговар революцион иттифоқи таркиб топди.

Озарбайжон меҳнаткашлари рус, украин, грузин, арман халқлари билан ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан биргаликда самодержавиега, помещчик ва капиталистларга қарши революцион курашнинг катта ва машаққатли йўлини босиб ўтдилар. Бокунинг кўп миллатли қаҳрамон пролетариати Закавказье ва бутун Россиядаги революцион ҳаракат тарихида шонли саҳифа очди. Боку пролетариати ўзининг жанговар партия ташкилоти раҳбарлигида Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун курашувчиларнинг биринчи сафида борди. Меҳнаткашларнинг бахти учун курашда мардлик ва жасорат намунаси, пролетар интернационализмининг ленинча принципларига, коммунизм улуғ ишига астойдил садоқат намунасини кўрсатган 26 Боку комиссарининг ёрқин образини халқимиз ҳеч қачон эсдан чиқармайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Озарбайжон халқини социал ва миллий зулмдан абадий қутқарди, унга чинакам озодлик ва мустақиллик берди, Озарбайжон халқини янги ҳаёт қурилишининг нурли йўлига олиб чиқди. Озарбайжон меҳнаткашлари миллатчи мусоватчилар контрреволюцияси, гражданлар уруши йилларида ва хусусан Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватанга, СССР халқларининг қардошларча бирлиги ва бузилмас дўстлигига фидокорона содиқ эканликларини намойиш қилдилар.

Озарбайжон Совет Социалистик Республикасининг равнақ топганлиги Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати, социалистик тузумнинг буюк ҳаётий кучи, Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас қардошлиги ва дўстлиги тантанасининг ажойиб намунасидир.

Озарбайжон меҳнаткашлари социализм қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар ва эндиликда КПСС XXII съезднинг тарихий қарорларини ва бу съезд қабул қилган партия Программасини амалга ошириш учун саботкорона меҳнат билан курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдириб айтадиларки, Озарбайжон халқи бундан буён ҳам ўзининг бутун куч ва ғайратини саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни янада ривожлантириш ишига сарф қилади. мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги ва бирлигини тинмай мустаҳкамлай беради.

Яшасин Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси ва унинг меҳнатсевар талантли халқи!

Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги абадий яшасин ва мустаҳкамлана берсин!

Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олга!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ҒАЛЛА ОЛТИН ДЕНГИЗИ ЧОРЛАМОҚДА

Бугун уфқлар билан туташиб кетган қир адрларнинг гашти ўзгача, файзи ўзгача. Бел билан ўпишган ғаллазорлар енгил шабада эпкинида аста чайқалиб бамисоли олтин денгизни ёдга солади. Бошоқлардаги донлари тўлишиб ўримга келган шу ғаллазорлар қучогида яқин 2—3 кун ичида ҳаёт қайнайди. **Ҳозир ҳар соат, ҳар дақиқа ғанимат. Ҳа, вақт кутиб турмайди. Агар республикамиз ғаллакорлари бошлаган улуғ хайрли ишга муносиб ҳисса қўшаман десангиз, пахтакорлик сингари ғаллакорлик шарафини ҳам қадрлаймиз десангиз ғайрат камарини белга маҳкамроқ боғланг, она-Ватан омборларини олтин дон билан тўлдириш учун курашувчи азамат кишилар сафида бўлинг.**

Кенгашда сўзга чиққан юз центнерчи ғаллакорларнинг сўзларида ана шу кўтаринки руҳ акс этиб турарди. Улар ўз ҳамкасбларини шу хайрли умумхалқ курашига чорларди.

Хўш, шу кеча-кундузда ғаллакорлар олдида қандай вазифалар турибди: кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар қувиб ўтаяпти. Ҳадемай, олтин бошоқлар денгизида қудратли комбайнлар овози гуруллайдиган дамлар ҳам етиб келади. Ота-боболаримиз иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур деганларидек техниканг соз бўлса, ўримда доғда қолмаймиз. **Шундай экан, ҳозирдан комбайнларни, транспортларни мавсумга шай қилиб қўйиш керак. Ғаллачилик звенолари ва бригадаларининг аъзолари мавсумни енг шимариб кутиб олишлари лозим. Бу ҳақда Юқори Чирчиқдаги «Гулистон» колхозининг раиси ўртоқ Э. Холматов мана, нималар дейди.**

— Пахтачиликда Турсунойчилар, тюпкочилар, кўчиевчилар сафини кенгайтириш учун қанчалик эътибор бераётган бўлсак, — дейди ўртоқ Қорахўжаев, — ғаллачиликда ҳам Любовь Ли, Ни Александра, Роза Отабоева каби юз центнерчилар ҳаракатини кенг қанот ёйдирайлик. Ғаллачиликда ҳам механизацияни кенг қўллашга ҳаракат қилайлик.

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларида: ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладлари ва нутқларида қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлидан бориш — энг тўғри йўлдан бориш эканлиги равшан кўрсатиб берилган. Ўртоқ Қорахўжаев ўз фикрларини ана шу мақсадга йўналтирган эди.

Кенгаш қатнашчилари юз центнерчилар ҳаракати эндиликда фақат комсомол ёшларнингина ишлари эмас, республикадаги барча ғаллакорларининг ҳам муқаддас ва шарафли иши эканлигини ўз қалбларида чуқур ҳис этишди.

Юқорида Чирчиқнинг Паркент зонасидаги «Коммуна» колхозининг **Н. Қорахўжаев** бошлиқ звеноси бу йил она-Ватанга 350 тонна дон армуғон этмоқчи.

— **Пахтачиликда Турсунойчилар, тюпкочилар, кўчиевчилар сафини кенгайтириш учун қанчалик эътибор бераётган бўлсак, — дейди ўртоқ Қорахўжаев, — ғаллачиликда ҳам Любовь Ли, Ни Александра, Роза Отабоева каби юз центнерчилар ҳаракатини кенг қанот ёйдирайлик. Ғаллачиликда ҳам механизацияни кенг қўллашга ҳаракат қилайлик.**

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларида: ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладлари ва нутқларида қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлидан бориш — энг тўғри йўлдан бориш эканлиги равшан кўрсатиб берилган. Ўртоқ Қорахўжаев ўз фикрларини ана шу мақсадга йўналтирган эди.

Кенгаш қатнашчилари юз центнерчилар ҳаракати эндиликда фақат комсомол ёшларнингина ишлари эмас, республикадаги барча ғаллакорларининг ҳам муқаддас ва шарафли иши эканлигини ўз қалбларида чуқур ҳис этишди.

Ўзиюрар 3 та комбайндан ер майдонлари гекисроқ ғаллазорларда фойдаланамиз. Эрта-индин қўшимча яна 2—3 та комбайн сотиб олмоқчимиз. 15 та юк машинаси ва 5 та автоприцепдан тўла ва унумли фойдаланамиз. Комбайнларнинг икки сменада тўла қувват билан ишлатамиз. Бунга правление раисининг ўринбосари Маҳмуд Нурматов раҳбарлик қилади. Биз ўримни барвақт тамомлаш мақсадида қўшимча юздан ортиқ ишчи кучи ажратдик. Ғаллакорларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитларни яратиб берамиз. Дала шийпонларини маданий дам олиш жойига айлантирамиз.

Ўртоқ Холматов бу сўзлари билан кенгашда қатнашаётган барча ғаллакорларнинг фикрини ифода қилиб берди.

Ҳа, шундай. Кимки турмушимиз янада фаровон бўлсин деса, кимки дастурхонимиз ҳамиша оппоқ нон билан тўлсин деса ғалла фронтига отлансин!

Юракдан айтилган жанговар чақириқ бу. Ҳамманинг ўйилаги, дилидаги олижаноб гап бу. Юрагида ўти, билагида кучи бор, ғайрат-шижоати барқ урган ғаллакорларимиз бу чақириққа биз бу улуғ курашга тайёрмиз деб жавоб беришаяпти. Серқуёш республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик шонли тўйини ғаллачилик соҳасида ҳам ёруғ юз билан кутиб оламиз деб катта мардона курашга отланишаяпти.

У. ЖОНГИТОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЎРТОҚ ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 29 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихт бугун давлат визити билан Москвага келди.

Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва бошқа совет раҳбарлари кутиб олдилар.

Э. Н. АЛИХОНОВ
Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА



Озарбайжон ўлкасида катта қувончли байрам бўлмоқда. Улуғ Ватанимизнинг барча халқлари билан биргаликда биз Озарбайжон Россия составига қўшилган кунининг 150 йиллигини нишонламоқдамиз.

Озарбайжон халқи ўтмишда чет эл галаларининг вайрон келтирувчи ҳужумларидан, маҳаллий хонларнинг тинимсиз ўзаро урушларидан жуда кўп кулфат чеккан эди. Озарбайжоннинг Россия составига қўшилиши ана шу кулфатларнинг ҳаммасидан, Шарқдаги қолоқ мустабид ва Ғарбдаги империалистик мустамлакачилар асоратидан озарбайжон халқини сақлаб қолди.

Мамлакатимизнинг бошқа халқлари асрлар давомида рус халқи теварагига бирлашиб келдилар. Улар рус халқи билан тарихий тақдирларининг умумийлиги туфайли маҳкам боғланган эдилар. Озарбайжоннинг Россия составига қўшилиши озарбайжон халқининг тарихий тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди, унинг тараққиёт йўлидан ривожланишига имкон яратди.

Озарбайжон халқи Ленин барпо этган Коммунистлар партияси раҳбарлиги остида, рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдамига таяниб, социал ва миллий озодликка эришди, ўз суверен Совет давлатига эга бўлди. Озарбайжон тарихан қисқа муддат ичида гуллаб-яшнаган социалистик республикага, экономикаси юксак даражада ривожланган ва илғор маданиятга эга бўлган ўлкага айланди.

Чоризмга ва капиталистларга қарши жангларда рус халқи бошчилигида мамлакатимиз халқларининг революцион иттифоқи вужудга келди ва мустаҳкамланди. Республикамиз меҳнаткашлари рус ишчилар синфи билан Боку пролетариатининг жанговар ҳамкорлигини, Совет Россияси қаҳрамон Боку Коммунасига кўрсатган актив ёрдамни, Озарбайжон меҳнаткашларининг Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашига мадат берган 11-армиянинг шонли жасоратларини миннатдорчилик билан эслайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси озарбайжон халқига озодлик келтирди, унинг тақдирини тубдан ўзгартирди. Озарбайжонда Совет ҳокимияти ғалаба қозонгач, унинг тарихида чинакам баҳор бошланди, халқнинг моддий ва маънавий кучлари равнақ топиши учун шарт-шароит вужудга келди.

Халқ хўжалигини реконструкция қилиш йилларида, мамлакатимизда социализм қуришнинг ленинча планини амалга ошириш учун курашда Совет Россияси, Озарбайжон ва барча қардош республикаларнинг ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлари ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланди. Халқ хўжалигини тиклаш йилларидаёқ Совет Россиясидан Озарбайжонга машиналар, станоклар етказиб берилди, мутахассислар келиб турди.

Улуғ Ватан уруши йилларида СССР халқларининг дўстлиги янада мустаҳкамланди ва чиниқди. Барча совет халқларининг фарзандлари билан биргаликда Озарбайжонлик жангчилар Москва остоналарида. Волгада, Курск дугасида, Украинада, Болтиқ бўйида душманга қарши фидокорона жанг қилдилар.

Ўтган ўн йиллик бутун мамлакатимиз ва ҳар бир республика ҳаётида, шу жумладан Озарбайжон ҳаётида гоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу йилларда Сталин шахсига сиғинишнинг зарарли оқибатлари тугатилди, партия ва ижтимоий ҳаётнинг ленинча нормалари тикланди, халқимизнинг ижодий кучлари барқ уриб ўсди, совет экономикаси тез суръатлар билан ривожланди.

Буюк ўн йиллик давомида Коммунистик партия изчиллик билан ўтказган ленинча йўлнинг ажойиб самараларини Озарбайжон ССР мисолида ёрқин кўриш мумкин. Шуни айтиш кифояки, республика халқ хўжалигига 1954—1963 йилларда сарфланган капитал маблағ бундан илгариги 34 йил ичида сарфланган маблағдан 1,4 баробар ошиқ бўлди. Ўтган ўн йил ичида Озарбайжон саноатининг ялпи маҳсулоти икки баравар кўпайди, нефть чиқариш 1,3 баравар, газ чиқариш 5,2 баравар ортди. Шу давр ичида химия саноати, қора ва рангли металлургия маҳсулоти ўн карра кўпайди. Қора металл прокати 26 баравар, пўлат ишлаб чиқариш 12 баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча ортди.

Озарбайжон ўз экономикасини ривожлантиришда барча қардош республикалардан актив ёрдам олиб турибди. Совет Иттифоқининг юздан ортиқ заводлари Озарбайжон улкан химиясининг янги қурилишлари учун ускуналар тайёрлаб бермоқда.

Айни вақтда Озарбайжон корхоналари мамлакатнинг турли районларига саноат маҳсулотининг юзлаб хилини етказиб бермоқда. Булар орасида нефть ва нефть маҳсулотлари, газ, электр энергияси, темир рудаси, нефть ва электротехника ускуналари, этиль спирти, каучук, шиналар муҳим ўринни эгаллайди.

Совет республикалари ўртасида меҳнатнинг социалистик тақсимоти Озарбайжон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Кейинги икки йилнинг ўзида колхоз ва совхозларимизга бошқа республикалардан 6416 трактор, 319 комбайн, 2428 автомобиль, 800 пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилди.

Озарбайжон ва бошқа иттифоқдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва қардошларча ўзаро ёрдам кўп формада ўз ифодасини топмоқда. Янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришда ўзаро ёрдам, тажриба ва малакали кадрларни айирбошлаш, техника ва илм соҳасидаги ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Озарбайжон ўз навбатида мамлакатнинг янги нефть конларини ўзлаштиришга катта ҳисса қўшди. Собиқ боқуликдарни ҳозир Татористон ва Волга бўйи, Туркманистон ва Узоқ Шарқ, Украина ва Сахалин нефть конларида ва нефтни қайта ишлаш заводларида учратиш мумкин. Республикамиз вакиллари Сибирь ва Мангишлак катта нефти учун кўрашда актив қатнашмоқдалар.

Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда Озарбайжон маданияти янги юксакликка кўтарилди. Революциягача аҳолининг ўндан тўққиз қисми саводсиз бўлган Озарбайжон эндиликда ёппасига саводхон ўлкага айланди. Ҳозир республикада ҳар тўрт граждандан бири ўқимоқда. Озарбайжон олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш даражаси жиҳатидан Шарқдаги ҳамма чет мамлакатларнигина эмас, балки кўпгина ривожланган капиталистик давлатларни ҳам орқада қолдириб кетди.

Революциягача Озарбайжонда бирорта олий ўқув юрти ва илмий муассаса йўқ эди. Ҳозир республикамизда Озарбайжон ССР Фанлар академияси бошчилигида 116 илмий муассаса ва 11 та олий ўқув юрти самарали ишлаб турибди.

Совет Иттифоқи халқларининг қардошлик оиласида Озарбайжон меҳнаткашлари социализм қурилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозир эса қудратли Ватанимизнинг барча халқлари билан биргаликда партия XXII съезднинг тарихий қарорларини ва КПСС Программасини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларини сабот билан амалга ошира бориб, коммунизм қурли чўққилари сари комил ишонч билан қадам ташламоқдалар.

Озарбайжон Россия составига қўшилганига 150 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган байрам озарбайжон халқининг мамлакатимиздаги барча халқларга, Коммунистик партияга, Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитетга Совет Озарбайжонининг равноқ топиши ҳақида ҳормай-толмай кўрсатаётган ғамхўрликлари учун чуқур миннатдорчиликларининг ёрқин ифодасидир.

* * *

Боку мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан ҳисобланади. Суратда: шаҳарнинг тоғли қисми билан маданият ва истироҳат боғини бирлаштирувчи тоғ темир йўли — фуникулернинг кўриниши.

Ю. Рахил фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ОЗАРБАЙЖОН ХОТИРАЛАРИ

Озарбайжон — жонажон ўлкам
Қучоғи кенг тоғлар макони.
Хотирамдан ўчмайди асло
Нефтларинг туганмас кони.
Озарбайжон — шифобахш
Парклорингда юрганман
узоқ.
Кувноқ ёшлик завқи билан мен
Ҳордиқ олган эдим ўша чоқ.

Озарбайжон — кўркам, чароғон.
Кўз ўнгимдан кетмайди нари.
Кўкни ўпган жимжима уйлар.
Қулоғимда абадий қолган
Булбул Мамед айтган шўх куйлар.
Озарбайжон — о... роҳатижон.
Дейман, букун саломим йўллаб:
Улуғ айём-тўйинг муборак!
Эркин ҳаёт, ижод, меҳнатни
Мадҳ этувчи куйинг муборак.
Озарбайжон — жон Озарбайжон!

Тўлқин ҲАКИМОВ.

МУСОБАҚАДОШЛАР ДАЛАСИДА

Областимиз Совет Қозоғистони билан чегарадош. Айниқса Чимкент областининг ерлари областимиз ерларига туташиб кетган. Чимкентликлар асл деҳқонлардир. Улар чўл ерларда мўл ғалла ҳосили етиштирялтилар. Тоғ-адирларда сабзавот ва полизни муттасил равишда кўпайтирмоқдалар. Пахтачилик ва чорвачилик ривожлантириляпти.

КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашган чимкентликларнинг бу йилги режалари яна ҳам каттадир. Чимкент ғаллакорлари Ватан омборига 10 миллион пуд ғалла тўкишга аҳд қилишди. Чорвадорлар сут, гўшт маҳсулотини кўпайтириш йўлида ишламоқда.

Областда пахтачилик хўжалигининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Қардошларимиз бу йил камида 76 минг тонна пахта ҳосили етиштиришмоқчи. Шу мақсадда улар анча ишларни амалга оширишди. 48 минг гектардан ортиқроқ ерга чигит экилиб, белгиланган план 107,3 процент қилиб ado этилди. Ўтган йилга нисбатан 4200 гектар ерга кўп чигит экилди. Кўпгина хўжаликларда чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди.

Биз областнинг Туркистон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли бир қатор хўжаликларда дала ишлари кўчиладигидек олиб борилаётганини кўрдик. Колхозчилар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун далаларда тер тўкиб ишламоқдалар. Айниқса бу соҳада «III Интернационал» колхози аъзоларининг иши ибратлидир. Пахтакорларнинг меҳнати бараварлар ҳам бор экан. Бунда ёшлар ерларда об-ҳавонинг қулай кунларидан фойдаланиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришни ҳартарафлама кучайтириб юборилмаган. Сариоғоч, Сайрам ишлаб чиқариш бошқармаларига қарашли бир қатор хўжаликларда ана шундай фактларга дуч келдик. Ғўзаларни икки томонлама ишлашга тегишинча аҳамият берилмаган. Ёганалаш чўзиб юборилди. Суғоришни икки сменада ташкил қилиш кенг йўлга қўйилмаган. Озиқлантириш кечиктириб юборилмоқда.

Ўзаро текшириш комиссиясининг аъзолари жойларда бўлганларида айрим бригадаларда звенолаб ишлаш унутиб қўйилганлигини аниқладилар. Туркистон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Чапаев номли колхозда, I-совхозда, Ғани Муродбоев номли совхозларда тўла гектар учун кураш ҳар тарафлама кучайтирилмаган. Усимликни бегона ўтлардан тозалаш юзасидан зарур тадбирлар кўрилмаган.

Биз ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим, бригада ва звеколарнинг ишини чуқур анализ қилишга ҳаракат қилдик. Йўл қўйилган камчиликларни тузатишга мусобақадошларимизнинг эътиборларини қаратдик.

Биз уч-тўрт кун ичида ҳамма ерда яганани сифатли тамомлаш, ҳар бир хўжаликдаги ишчи ва техника кучларидан самарали фойдаланиш, ғўзани культивация қилишни жадаллаштириш, звеноларнинг ишлаш принципини кенг амалга ошириш юзасидан шошилинч чоралар кўришни таклиф қилдик. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ролини ошириш, уларга нисбатан талабчанлик қилиш, хўжалик ҳисобини кенг йўлга қўйиш, колхоз, совхоз, бўлим ва бригадалар вақти-вақти билан бир-бирларини ўзаро текшириб туришини системали амалга ошириш зарурлигини айтдик.

Чимкентлик пахтакорлар мусобақадошларнинг маслаҳатларидан беҳад ҳурсанд бўлдилар. Улар яқин кунлар ичида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш юзасидан барча чораларни кўражакларини ва тошкентлик пахтакорлардан ўлаб қолмасликларини айтдилар.

Биз мусобақадошларимиз сўзларининг устидан чиқадилар, пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришни сўзсиз таъминлайдилар деб умид қиламиз.

Э. ШАЙХОВ,
Тошкент қишлоқ область ижроия комитетининг раиси, ўзаро текшириш бригадаси бошлиғи.
М. ТОЖИЕВ,
Калинин район ижроия комитетининг раиси.
М. ПЎЛАТОВ,
Янгийўлдаги Охунбобоев номли колхознинг раиси.
ПАК ВЛАДИМИР,
Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда» колхози раисининг механизация бўйича ўринбосари.
М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Илгари хабар қилингани дек, Тошкент область пахтакорларининг 17 кишидан иборат ўзаро текшириш бригадаси аъзолари яқинда мусобақадош Чимкент областининг колхоз ва совхозларида бўлишди. Улар 22 колхоз, 14 совхоз, 315 бригаданинг пахта ерларини кўришди. Тошкентлик пахтакорлар мусобақадошларнинг «оқ олтин» етиштиришдаги ишлари билан батафсил танишиб қайтдилар.

Қуйида ўзаро текшириш комиссияси аъзоларининг фикр ва мулоҳазаларини эълон қилмиз.

Меҳрибон ўқитувчиларини ўраб турган бу ўқувчилар пойтахтнинг Чилонзор районидаги 162-мактабда ўқишади. Улар бу йил 6-синфни муваффақиятли тамомладилар. Суратда: ўқитувчи Ҳ. Тошқорнева каникулга чиққан ўқувчилар билан суҳбат лашмоқда.

В. Салов фотоси.

Газетхонларга жавоб берамиз

МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Янгийўл районидаги Олмазор қишлоқ Совети территориясидаги Юрий Гагарин, Герман Титов ва Собир Раҳимов номли кўчалар бир неча йилдан буён ремонт қилинмагани учун уйдим-чуқур бўлиб қолди, дейилган эди редакцияга келган бир хатда. Яқинда ана шу хатга Янгийўл район ижроия комитетидан жавоб олдик.

Текширишда хатда кўрсатилган камчиликлар тасдиқланган. Район ижроия комитети Олмазор поселка Советидаги кўчаларни ободонлаштириш учун 5594 сўм маблағ ажратган.

БЕКОБОД УМЗ, СИРДАРЕ КЎЧАСИДАГИ 27/2 УЙ, 13-КВАРТИРАДА ЯШОВЧИ Б. ХУДОЕРОВГА

Хатингизни Бекобод район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. Хатамовга юборган эдик. Хатингизда келтирилган фактлар текширишда тасдиқланган. Район ижроия комитети металлурглар ётоқхонасида тартиб ўрнатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаган.

ТОШКЕНТ, ОКТЯБРЬ РАЙОН, АНОСОВ КЎЧАСИ 90- УЙДА ЯШОВЧИ Н. ТОЖИБОЕВГА

42-алоқа бўлими томонидан обуначиларга «Муштум» журнали ўз вақтида етказиб берилмаганлиги ҳақидаги шикоятингиз Тошкент почтамтига юборилган эди. Текширишда обуна бўлишда уй адресини аниқ кўрсатмаганлигингиз маълум бўлди. Шуннинг учун ҳам журнални ўз вақтида ололмагансиз. Бундан - буён, обуна бўлиш пайтида, адресларни аниқ ёзишга эътибор бериш керак.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 30 МАЙ 1964 ИИЛ.

ҚИШЛОҚ КЛУБЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ПЕРЕКЛИЧКАСИ

МАДАНИЙ ХИЗМАТНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙМИЗ

Қишлоқ клубларининг Бутуниттифоқ перекличкасини ўтказиш ҳақида нубанликлар томонидан бошланган ташаббус бизнинг ғайратимизга-ғайрат қўшиб юборди. Ходимларимиз ўз ишларини кубанликлар тажрибаси асосида қайта қуриб, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан зарур тадбирларни амалга ошириляптилар.

Аввало биз «Северний маяк» колхози клуби ҳузурида бадиий ҳаваскорлар, бичиш-тикиш тўгараклари ташкил қилдик. Жуда кўпгина аёлларимиз бичиш-тикиш тўгаракларида фаол қатнашадиган бўлиб қолишди. Ҳаваскорлар тўгарагининг иши ҳам чакки эмас. Тўгарак қатнашчилари далада ишлаётганлар учун маданий хизмат қилишляпти. Пахтачилик бригадаларида, чорвачилик фермаларида тез-тез бўлишиб, янги программаларда концертлар қўйиб беришляпти.

Район маданият уйи ходималарининг ташаббуси билан бошқармадаги Охунбобоев номли, Куйбишев номли колхозларда янги кутубхоналар ташкил этилди. Кутубхона ходимлари китобхонлар сонини кўпайтириш ниятида китобхонлар йиғилишларини тез-тез уюштиришляпти, пахтакорлар ўртасида янги китобларни кенг пропаганда қилишляпти.

Биз маданият ходимлари, колхозчи деҳқонлар ўртасида КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини кенг пропаганда қилиш юзасидан бир қанча зарур тадбирларни амалга ошираяпмиз. Айниқса пахтачиликни юксалтиришда химиянинг аҳамияти, ҳосилдорликни оширишда механизациянинг роли ҳақида лекция ва суҳбатлар уюштираяпмиз.

Клубимиз кечқурунлари жуда гавжум бўлади. Кун бўйи самарали меҳнат қилиб ишлаган деҳқонларимиз кечқурунлари кўнгилли дам олиш учун шу ерга келишади. Биз уларни хурсанд қиламиз. Концертлар уюштираяпмиз. Илғор кишилар билан учрашувлар ташкил қилаяпмиз. Бундан ташқари тез-тез поэзия, дўстлик кечалари ўтказиб турилибди. Савол-жавоб кечаларига қизиқувчиларнинг сони борган сари кўпайиб бормоқда.

Мана, Ленин номли колхознинг клуби. Кеч соат тўққиз. Одамлар билан лиқ тўла. Шу куни колхозчилар республикамиз пойтахтидан келган ёзувчилар билан учрашдилар. Деҳқонлар ўзлари севиб ўқиган китобларнинг авторлари билан юзма-юз кўришиб, ҳамдард бўлишди. Уларнинг келгусидаги ишлари билан қизиқишди. Кеча охирида бадиий ҳаваскорлар тўгараги қатнашчилари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Бундай кечалар бошқа колхозларда ҳам тез-тез ўтиб турибди. Маданият уйида ташкил этилган салсматлик университетининг иши ҳам борган сари яхшиланиб боряпти. Биз шу кунларда республикамизнинг 40 йиллик тўйига ўр тайёрграрлик кўраяпмиз. Ходимларимиз оммавий-сиёсий тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бормоқдалар. Улар партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериб, дала шийпонларини безашмоқда. Деворий газета ва жанговар варақалар чиқаришда фаол қатнашмоқдалар. Маданият ходимларининг кучи билан жуда кўпгина дала шийпонлари шиор, плакатлар ва диаграммалар билан безатилди. Ундан ортиқ ерда кўчма кутубхоналар ишлаб турибди.

Биз кубанликларден ишлаймиз. Уларнинг бой тажрибаларидан самарали фойдаланиб, қишлоқларимизда маданий-оммавий ишларни шу кунлар талабига монанд ташкил қиламиз.

М. ТУЙЧИЕВА,
Ўрта Чирчиқ район маданият уйининг мудири.

ЎҚУВ ЙИЛИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК

Мактабларда ўқишлар тугади. Мактаб саҳни бўйлаб янграйдиган таниш қўнғироқнинг овози эшитилмай қолди. Бир-биридан қизиқарли, бир-биридан мазмунли ўтган машғулотлар ҳам тамом бўлди. Ўқишларни муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар меҳрибон ўқитувчилари, қадрдон мактаблари билан хайрлашиб, ёзги каникулга чиқдилар.

1963—1964 ўқув йили республикамиз халқ маорифи ходимлари учун унумли ва серамзмун йил бўлди. Ёш авлодга ҳартомонлама чуқур билим бериш борасида талайгина тадбирлар амалга оширилди. Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳақидаги Қонунни амалга ошириш йўлида ҳам яхши ишлар қилинди.

Областимиздаги 680 мактабда 212 минг 484 ўқувчи таълим олди. Уларнинг деярлик ҳаммаси синфдан-синфга муваффақиятли кўчди.

Бу ўқув йилида мактаблар ҳаётида кўпгина қувончли воқеалар юз берди. Шу йилнинг баҳорида ўтказилган ёш пахтакорларнинг республика слёти меҳнатсевар ўқувчилар ишига яқин ясади. Областимизнинг Бўка, Калинин, Юқори Чирчиқ районларидаги ўқувчилар бригадаларининг ибратли ишлари бутун республикамизга намуна қилиб кўрсатилди.

Шаҳар мактаблари ўқувчилари ҳам бу соҳада қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Ишлаб чиқариш цехларида меҳнат кўникмаларини ҳосил қилган юқори синф ўқувчилари мана эндиликда турли разряд эгаларидирлар.

Бугун ўқувчилар учун энг ҳаяжонли ва масъулиятли дамлар ҳисобланган йиллик имтиҳонлар бошланади. Имтиҳонлар даврида ўқувчилар йил бўйи олган билимларини яна бир бор намойиш қиладилар. Бу йил мактабларнинг 8-ва битирувчи 10—11-синфларида йиллик имтиҳонлар ўтказилади. 8-синф ўқувчилари тўрт фандан, битирувчи 10—11-синф ўқувчилари эса саккиз фандан имтиҳон топширадилар.

Областимиз мактаблари ҳам йиллик имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрдилар. Янгийўл районидаги 13-мактабнинг педагогик коллективи, бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари имтиҳонлар олдидан дуруст тадбирларни амалга оширдилар. Педагоглар ўз предметлари бўйича ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга имтиҳонларга тайёргарлик ишларини намунали ташкил этдилар.

Шуни унутмаслик лозимки, йиллик имтиҳонлар якунларига мактаб педагогик коллективининг бир неча йиллик қайноқ меҳнатининг самараси сифатида баҳо бермоқ керак. Шунинг учун ҳар бир имтиҳон олдидан такрорлаш машғулотлари-фақат билетлар юзасидан эмас, балки ўтилган курсларни мустаҳкамлаш асосида олиб борилиши лозим.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўқув йилини муваффақиятли якунлаш янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ишлари билан бевосита боғлангандир. Шунинг учун ҳозирдан бошлаб янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш лозим. Мактабларни бир сменали машғулотларга кўчириш ўқув-тарбия ишларининг юксак савияда бўлишини таъминлайди. Шу сабабдан янги объектларни ўз вақтида қуриб битказиш, кўшимча синф хоналар қуриш муҳим аҳамиятга эгадир.

Область ва район халқ маорифи бўлимлари ҳамда касаба союз комитетлари олдида яна бир муҳим вазифа—болаларнинг ёзги дам олишларини ташкилий ўтказиш вазифаси турибди. Айни вақтда интеллигенциямизнинг катта отрядларидан бирини ташкил этган халқ ўқитувчиларининг яхши дам олишларини тўғри ташкил этиш ҳам шарафли вазифадир. Бунинг учун халқ маорифи ходимлари, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ўқув йилини муваффақиятли якунлаб ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ёзги дам олишларини намунали уюштиришлари даркор.

А. АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон компартиясининг 40 йиллиги олдидан

ҚАМИШЗОР ЎРНИДА ЧАМАНЗОР

Суратда: шаҳар тусини олган Димитров қишлоғи марказининг умумий кўриниши.

ШАҲАРГА ЎХШАЙДИ ЖАМОЛИНГ СЕНИ

МАНА бу панарамада ўз борлиғини кўз-кўз этиб турган қишлоқ жамолига бир назар ташланг-а.

— Дарвоқе, қишлоқ эмас, бу ўзимизнинг театр майдонига ўхшайди-ку.

Йўқе, бу шаҳарларимиз соҳиби Чирчиқ бўлса керак.

— Ўйлаганг, янглишмасам бу манзарани металлургла шаҳри Бекободда кўргандай эдим.

...Бизни ўз бағрига чорлаган ана шу қишлоқ жамоли, ана шу бўстон боғбонларининг меҳри гиёси бўлди. Биз тушган машина икки чеккасига соя-салқин дарахтлар тизилган катта асфальт йўлдан бораяпти. Қаранг, қандай ажойиб, қандай манзарали бу қишлоқ. Олис-олисларда турна қатор уйлар, боғлар кўзга ташланади. Кўз илғамас пахтазорлар, шолипоялар катта-катта карталарга бўлиниб, икки чеккасида сада шаклида ўстирилган тут дарахтлари саф тортиб турибди.

Машина колхоз боғи этагига етганда қишлоқ марказига бурилди. Кўчанинг чап қанотидаги кўш ариқда зилол сув шарқиллаб оқиб турибди. Ҳар икки сув ўртасида асфальт ётқизилган торгина тротуар йўлка ва сув ёқасига рассомнинг диди билан ўтказилган соя-салқин дарахтлар қишлоққа аллақандай файз бериб турибди. Кўчанинг икки томонида бир текис тушган шинам уйлар, ҳашаматли биноларг боғлар бу ҳусннга ҳол бўлиб тушган.

Мана, қишлоқ марказига етиб келдик. Соя-салқин хиёбонлар ўртасида салобат билан қад кўтариб турган катта ҳашаматли бинога колхоз правленнеси, унинг ён бошида кўк билан ўпишган серҳашам бинога колхоз маданият уйи жойлашган. Биз колхоз маданияти саройининг ичи билан қизиқдик. Бу ерда миллий музыка, хор, фото, драма тўгаракларн ишлайди. Саройнинг 850 киши сиғадиган залида йиғилишлар, лекция, кино, концерт ва спектакллар бўлади. Колхоз бадиий ҳаваскорлар тўгарагида 25 артист, 12 музикачи қатнашади. Улар хўжаликнинг турли соҳаларида ишловчи мутахассис кадрлар. Тўгарак коллективи ҳатто пойтахтимиз — Москвада икки марта ўз репертуарларини намойиш қилишган. 1960 йилда бу коллективга «Халқ ашула ва рақс ансамбли» деган ном берилибди.

Биноннинг нариги томонида саккиз йиллик мактаб, мактаб-интернат, ясли аптека, почта. Чап томонда эса уч қаватли машиий комбинат биноси. Ҳозир бинода сўнгги қурилиш ишлари кетяпти.

Колхоз идорасининг орқа қанотида истироҳат боғи. Бу ерда катта стадион, меҳмонхона, ошхона чойхона. Хулласи истаган нарсангизни топа оласиз, Ҳа, бу қишлоқчинг ҳозирги жамоли мисоли шаҳарга ўхшайди.

ЎТМИШГА НАЗАР ТАШЛАБ...

Нуёш уфққа бош қўйган. Қишлоқ маркази колхозчилар билан гавжум. Баъзилар қўлида ўтказиладиган кечага, баъзилар кинога, яна бировлар тўгарак машғулотларига ошиқишади. Кексалар эса колхоз боғидаги чойхона томон одимлашади. Биз ҳам шу томон бурилдик. Пирибадавлат бўлган кексаларнинг ўзаро суҳбатига қулоқ солар эканмиз, уларнинг бири сувчи, бири чорвадор, яна бири боғбон, хуллас турли касб эгалари эканини англадик. Ҳаммаси ҳам пенсионер, лекин биронтаси ҳам бекорчи эмас. Катта хўжалик эмасми, улар ўзларига яраша иш топиб олишган. Шу ерда суҳбатга жон киритиб ўтирган пенсионер Тоғай ота билан икки оғиз гаплашишни лозим топдик. Ота аслида бу ерга колхоз тузилиши даврида келган экан. У бир қанча вақт раис муовини, кейинчалик бригада бошлиғи бўлган. Ота бундан уч-тўрт йил илгари пенсияга чиқибди. Лекин бекор юришни эп кўрмай ҳар йили колхоздан 5—10 гектар ер ажратиб олиб, каноп экиб келаркан. Отанинг ҳимматини қаранг-а, у ўтган йили беш гектар ердаги каноннн бир ўзи парваришлабди ва колхозга 19 тонна «кўк олтин» топшириб. 15 минг сўм даромад келтирибди.

Биз суҳбат орасида Тоғай отадан қишлоқнинг ўтмиши ҳақида гапириб беришни сўраган эдик, ҳаёл отани бир дақиқа ўтмишга етаклагандек бўлди. У қалин қошларини чимириб, пиёлада совуқ қолган сўнгги чойини хўпларкан, кексаларга хос вазмилик билан сўзида давом этди.

— Ўтмишнинг нимасини ҳам айтай. Уша коронғу дунёни эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади. У вақтларда бунақа боғлар, бундай шинам уйлар қаердаю, бундай қизил гиламлар устида ўтириб ҳордиқ чиқаришлар қаёқда эди. Ана шу биз ўтирган жойлар ҳаммаси ботқоқлик, тўқайзор ерлар эди. Янглишмасам қишлоғимизда кўпи билан юзтага етар-етмас хонадон бўлардн. Қишлоқдаги уч-тўртта бойнинг қамиш бўйоғли уйлари демасам, биз бечоралар капа-хоналарда кун кечирар эдик. Кун ботди деганча чирос ўрнига қамишдан ёнган ёқиб, шуъласида зўрбаз-зўр кечки ёвгонимизни тотиниб қолардик. Қорнимиз тўйиб овқат емасдик, Бойлар эшигида юриб, егачимиз калтагу, кийгачимиз ямоқ яхтак бўлди.

Тоғай ота ўтирган жойига қайта ўрнашиб олди-да, кейин майдалаб чой қуйётган ҳамроҳига қараб:

— Эшонқул, бу Янги бозорга бориб келиш учун тортган азобларимиз эсингиздами. Бозорга борамиз деб икки-уч кун илгари тўқайга пахол, ёғоч ётқизиб йўл қилардик-а? Энди, мана, бу кафтдек асфальт йўлларни каранг. Ҳавасга юргинг келади. Қишлоғимизда доктрхона-ю, дорихона мактабхонаю-концертхона чойхонасини айтмайсизми, хуллас ҳаммаси муҳайё.

— Э, нимасини айтасиз мулла Тоғай.— деди Эшонқул ота суҳбатдошининг сўзини бўлиб,— сабоқ берсангиз, ўзингиз ҳам ўқимишлисиз. Ҳозирги ёшлар ҳаммаси ўқимишли, ҳаммаси ишчи, ҳаммаси ишбилармон. Ҳа, ота, ҳақ гапни айтди. Кимки колхознинг 40 йил ичида қанчалик ўзгариб камолга етганини кўрмоқчи, моддий ва маънавий турмуш шароити ўсиб бораётган кишилар ҳаёти билан танишмоқчи экан, марҳамат, қишлоққа бир келиб кетсин.

КЎЗ ҚУВНАЙДИ, ДИЛ ЯЙРАЙДИ

⊙ 1926 йилда Дмитров қишлоғида юзга етар-етмас хонадон бор эди. Уларнинг кўпчилиги капа уйларда истиқомат қилган.

⊙ Қишлоқда энди 1446 оила яшайди. Уларнинг жами 7692 кишини ташкил этади. Булар замонавий типдаги янги уйларда яшашяпти.

⊙ Ҳозир радио, телевизор кирмаган хонадон йўқ ҳисобда. Кейинги 2—3 йил ичида қишлоқ хонадонларининг деярли ярмиси арзон ёқилги — газ билан ҳам таъмин этилди.

ҚИШЛОҒИМИЗГА КЕЛИНГ, МЕҲМОНИМИЗ БЎЛИНГ

Ҳа, колхозда бригадирми, оддий колхозчими, механизаторми, кексами-ёшми ким билан суҳбатда бўлманг, улар ўз фаровон ҳаётлари йўлида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётган партия ва ҳукуматимиз ҳимматидан миннатдор бўлиб гапиришади: «Биз бир вақтлари ким эдику — ким бўлдик, қишлоғимиз қай аҳволда эди-ю, энди қандай бўлди. Кўкрак кериб меҳмон таклиф қилсак арзийдиган бўлди энди. Марҳамат, қишлоқ кириб келинг, меҳмонимиз бўлинг» дейишади.

Ҳақиқатан ҳам бир вақтлари капалар тагида кун кечирган колхозчилар ҳозир тўрт ва тўқ-киз хонали шинам уйларда меҳнат гаштини сурмоқда. Кейинги тўрт йил ичида 200 оила колхоз ҳисобига қурилган биноларга, 150 хўжалик эса шахсий меҳнат даромадлари эвазига қад кўтарган янги уйларга кўчиб ўтишди. Ҳар бир хонадонда энди электр нури порлаяпти, газ плитаси ёниб турибди, радиоприёмник ва телевизорлар ишлаяпти. Ҳатто кўпгина хўжаликларда энди ҳаммом ва енгил машиналар ҳам бор.

Қишлоқдаги касалхона, туғруқхона, поликлиника ва медпунктларда 25 дан ортиқ халқ соғлиғи посбонлари хизмат қилишяпти. 7 та ясли, 5 та болалар боғчаси, 12 та саноат моллари ва озиқ-овқат магазинлари. 2 та почта, ҳаммом шунингдек кийим тикиш устахоналари, колхозчиларга маданий хизмат қилмоқда. Қишлоқда 6 та ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактаб бор. Буларда 2. 500 дан ортиқ ёш авлод таълим олмоқда.

Шу кейинги тўрт йил давомида «Беш йиллик» совхози билан Димитров номли колхоз орасидаги 22 километрли катта йўлга асфальт ётқизилди. Колхознинг 28 километрдан ошиқ участкаларо йўллари ҳам шағал билан тексланди. Колхоз правленнеси йил охиригача участкаларни боғловчи қишлоқ йўлларига асфальт ётқизиш мақсадида 40 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратди.

Қишлоқ марказида қад кўтарётган икки қаватли машиий комбинат қурилиши ҳам тугалланиш арафасида турибди. Бу бинонинг биринчи қавати катта универсал магазин, сартарошхона, ошхона, оёқ кийими ва тикувчилик устахоналари, иккинчи қавати меҳмонхона ва келинкуёвлар уйига мўлжалланган.

Яқин кунларда колхоз хиёбонлари ўртасида қад кўтарган 150 койкали касалхона ва туғруқхона биноси фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари шу йили колхознинг Крупская участкасида 320 ўқувчи билим оладиган ўрта мактаб, 800 ўринли ёзги кинотеатр қурилиб колхозчилар ихтиёрига топширилади. Колхоз йил давомида 100 хўжаликни янги типовой уйлар билан таъминлашни мўлжалламоқда. Ҳозир марказий участкадаги барча уй-жойларни тўла газлаштириш проектлари тайёрлаб қўйилди.

Ҳа, қишлоқ қиёфаси йил сайин эмас, ҳатто ой сайин ўзгариб, ҳуснига ҳусн қўшилмоқда. Қишлоқ аҳолисининг моддий, маданий турмуш шароити тобора фаровон бўлиб бормоқда. Хўш, бу кимнинг шарофати, нимаанинг меваси...

МЕҲНАТИНГ БЎЛСА ЗЎР, БОЙЛИГИНГ БЎЛАР КЎЛ

Хўжалигимиз,— дейди колхоз партия комитетининг секретари Ўртоқ Чиннибеков.— 1939 йилда қадимий тўқайзор ўрнида ташкил қилинган эди. Тўғри ўша йиллларда қўлимизда на техника бор, ва на ишчи кучи етишмас эди. Шу сабабли ботқоқ тўқайзорларни ўзлаштириш анча қийин эди. Чунки хўжаликда дурустгина техника у ёқда турсин, ҳатто юриш учун йўллар ҳам йўқ эди. Лекин бу қийинчиликлар колхозчи

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҲИНДИСТОН ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

ДЕҲЛИ, 28 май. ТАСС мухбири О. Плешов хабар беради:

Жавоҳарлал Неру билан видолашиш куни ҳинд халқининг хотирасида энг қайғули мотам куни бўлиб сақланиб қолади. Махатма Ганди 1948 йилда ўлдирилганидан бери ҳинд халқининг бошига шу қадар катта мусибат тушмаган эди. Эрта саҳардан бошлаб пойтахт аҳолисидан ўн минглаб кишилар бош министр уйи олдида тўпланишди, уй атрофидаги кўчалар одамлар билан лиқ тўлди. Буларнинг кўплари неча бу ерга келиб тунаб қолганлар. Марҳум бош министр жасади олдига гулчамбарлар қўйиш тушгача давом қилди. Янги гуллардан тайёрланган жуда катта ва кўп гулчамбарлар орасида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР ҳукумати ва халқлари номидан қўйилган гулчамбарлар ҳам бор.

Қирқ градус иссиқ бўлишига қарамай, марҳумнинг тобути олиб ўтиладиган ҳамма кўчаларнинг икки томонида Деҳли аҳолисидан бир ярим миллионга яқин киши тўпланди. Кўп одамлар кўз ёши тўкиб турганлигини кўриш, «Алвидо, йўлбошчимиз Неру» деб айтилаётган хитобларни эшитиш мумкин эди.

Маҳаллий вақт билан соат 1-20 минут. Тобутни кўчага олиб чиқадилар. Ҳиндистон армияси, авиацияси ва флотининг бўлинмалари олдинда бормоқда, уларнинг кетидан бораётган тўп лафетига марҳумнинг тобути қўйилган. Ғоят донишманд давлат арбоби бўлган Жавоҳарлал Неру жасади устига Ҳиндистоннинг давлат байроғи ёпилган. Тобут орқасидан Ҳиндистон қуролли кучларининг яна бир неча бўлинмаси, Ҳиндистон ҳукуматининг аъзолари ва атоқли арбобни дафн этиш маросимига келган чет эл делегациялари аста-секин юриб бормоқда.

Бугун келган чет эл делегатлари орасида — СССР Министрлар Советининг Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, Англия бош министри Дуглас-Хьюм, АҚШ давлат секретари Дин Раск, Бирлашган Араб Республикаси президентининг ўринбосари Х. Ашшофий, Япония ташқи ишлар министри Охира, Непал министрлар советининг раиси Тулси Гири ҳамда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган бошқа кўпгина давлат арбоблари ва сиёсий арбоблар бор.

Соат 16.30 минут. Дафн маросимида қатнашувчилар кремация қилинадиган жойга етиб келадилар. Жавоҳарлал Нерунинг жасади марҳумнинг устози Махатма Ганди кремация қилинган жой яқинидаги цемент супачага олиб қўйилади. Марҳум бош министрнинг энг яқин қариндошлари ва сафдошлари — унинг қизи Индира Ганди, Л. Б. Шастри, Жагживан Рам, Г. Л. Нанга, Ж. Нерунинг набираси Санжан супача устига чиқадилар.

Пандитлар санскрит нолаларини хиргойи қилиб ўқийдилар. Кремация қилиш пайти бошланади. Гулхан алангаси гуруллаб ёнади. Миллионлаб кишилар бўғиқ овоз билан хўнграб йиғлайдилар.

Бир неча кундан кейин Жавоҳарлал Нерунинг хонини кўмиш маросими ўтказилади.

МОСКВА. Зарядье деган жойда яқин-яқинларгача эскича солинган пастқам уйлар бор эди. Энди бу жой улкан қурилиш майдонига айланди. Бу участкада «Мосгипроэкт» институти 16-устахонасининг Д. Н. Чечулин раҳбарлигида тайёрлаган лойиҳаси асосида Европада энг йирик ҳисобланган «Россия» меҳмонхонаси тикланмоқда. Меҳмонхона бир вақтнинг ўзида 6 минг кишини қабул қила олади. Бино баландлиги 12, миноралари 20 қаватга тенг.

Меҳмонхонада 3 минг томошабин сиғадиган концерт зали, ҳар бири 800 ўринли 2 та кинотеатр, ресторан, кафе ва бошқа жуда кўп маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари бўлади.

Суратда: «Россия» меҳмонхонасининг макети.

Н. Грановский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ Ж. НЕРУ ХОТИРАСИНИ ҲУРМАТЛАБ ЭСГА ОЛДИ

ДЕҲЛИ, 28 май. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари, шунингдек СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов кеча вафот этган Жавоҳарлал Неру резиденциясига бордилар ва марҳумнинг тобутига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номидан СССР ҳукумати номидан гулчамбарлар қўйдилар. А. Н. Косигин марҳумнинг қизи Индира Гандига, шунингдек унинг синглиси Махараштра штатининг губернатори Вижайя Лакшми Пандитга Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев номидан, Совет ҳукумати ва бутун совет халқи номидан чуқур таъзия билдирди.

НЕРУ ХОТИРАСИ

ЖЕНЕВА, 28 май. (ТАСС). Бугун Миллатлар саройида БМТ савдо-сотиқ ва тараққиёт конференциясининг Жавоҳарлал Неру хотирасига бағишланган махсус яланг мажлиси бўлиб ўтди. Конференциянинг 120 мамлакатдан вакил бўлиб келган 1.500 делегати Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби ва бутун дунёда тинчликни сақлаш учун курашчининг хотирасини ўринларидан туриб чуқур сукунатда ҳурмат билан эсга олдилар.

Мотам мажлисида конференция раиси Кайсуни, Африка, Осиё, Латин Америкаси, Ғарбий Европа мамлакатларининг ва социалистик мамлакатларнинг вакиллари сўзга чиқдилар. Социалистик мамлакатлар номидан совет делегациясининг бошлиғи, СССР Савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Борисов нутқ сўзлади.

БМТ савдо-сотиқ ва тараққиёт конференциясининг делегатлари Ҳиндистон ҳукуматига, ҳинд халқига ва марҳумнинг оиласига таъзиянома йўлладилар.

Х. ЛАНГЕ: ХРУШЧЕВНИНГ ВИЗИТИ ФОЙДАЛИ ВА КЕРАКЛИ

ОСЛО, 28 май. (ТАСС). Норвегия ташқи ишлар министри Х. Ланге бугун мамлакат парламентида ташқи сиёсий мунозараларни оча туриб, ҳукумат бош министр Хрушчевнинг шимолий мамлакатларга қиладиган сафарини фойдали ва ижобий воқеа деб ҳисоблайди, деди. Биз, деб давом қилди министр, ҳамма нарсадан муҳимроқ бўлган, чунончи тинчликни сақлашдек умумий манфаатларимиз борлигини тамомила англаймиз. Ошкора фикр олишиш бир-бирларимизнинг нуқтаи назарларимизни яхшироқ тушунишга олиб келиши мумкин. Бу эса, ҳозирдаёқ қарор топган яхши қўшничилик муносабатларининг янада яхшиланишига олиб келиши мумкин. Ҳукумат бош министр Хрушчевни ва унинг ҳамроҳларини муносиб кутиб олишнигина эмас (бу турган гап), балки қадимий меҳмондўстлик традицияларимизга мувофиқ кутиб олишни истаймиз, деб айтса стортинг (парламент) уни қўллаб-қувватлайди, деб ишонади.

ТЎРТ ЭГИЗ ФАРЗАНД ЎСМОҚДА

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ ОЛДИДАН

□ □ □

Вақт қандай тез ўтади? Ҳали яқиндагина улар кичкинагина ва мўрғак эдилар. Эндиликда эса улар иккинчи ўқув йилини яхши тамомлаяптилар.

— Катта бўлиб қолишди, — дейди Мария Антоновна Прибиткова оналарга хос меҳрибон, майин табассум билан, тўртта эгизак фарзандлари: Вова, Юра, Сережа ва Таняларнинг хушчақчақ ўйинларини кузатар экан. Ҳарбир она сингари у ҳам фарзандлари туғилганидан буён ҳарбир қилигини эслайди. Тўққиз йил тезгина ўтиб кетди. Ҳарбир она сингари у ҳам фарзандларининг униб-ўсишига ёрдам берган кишиларни миннатдорчилик билан ёдга олади.

Гўдакларнинг энг каттаси атиги 1700 грамм эди. У ҳавотирланиб, булар одам бўлишармикан, деб ўйларди. Она ва тўрт чақалоқ соғлигини область касалхонасининг врачлари сергаклик билан кузатиб турдилар. Ўйда эса уларни яна уч бола қутарди.

Мария Антоновна ва унинг эри электромонтажник Иван Федоровичлар ҳаётида кўпгина янги ташвишлар туғилди. Бироқ, бу оила тўғрисидаги энг катта ғамхўрликни давлат ўз зиммасига олди.

Новокуйбишевск марказидаги янги бинодан Прибитковалар оиласига катта уй берилди. Санатория типидаги болалар уйидан эгизакларга ҳар куни бепул овқат келтириб туришди. Кичкинтойлар улғайгандан сўнг болалар боғчасига боришди. Боғчага ҳам давлат ҳақ тўлаб турди. Мария Антоновна яна меҳмонхонанинг администратори бўлиб ишлай бошлади.

Бундан икки йил муқаддам етти ёшлик тўрттала Прибитков мактаб формасини кийишди. Улар мактабинтернатда ҳам тўла равишда давлат таъминотига олинди.

Охирги қўнғироқ чалинди. Интернат эса ажойиб соғломлантириш лагерига айланди. Эгизаклар ҳам мактабдош дўстлари билан биргаликда шу ерда дам оладилар. Улар шўх ўйинлар, музика машғулотлари ўтказадилар. Ўрмонларга борадилар. Волга бўйлаб саёҳат қиладилар. Куйбишевга экскурсияга чиқадилар.

— Сўнгра, отпускамиз вақтида дачада яшаймиз, —дейди Мария Антоновна.

Эгизаклар туғилгандан сўнг Прибитковларга дача солишда ҳам ёрдам берилди.

Кўп болалик бу оила истисно эмас. Мамлакатимиз ўзининг ҳарбир фарзанди Прибитковлар оиласига доим ўйлайди ва ғамхўрлик қилади. Биргина Куйбишев областининг ўзида 70 минг бола шаҳардан ташқаридаги 79 та пионер лагерида дам олади. Юқори синф ўқувчилари туристик сафарга жўнайдилар. Кўп болалар ота-оналари билан биргаликда махсус пароходларда Волга бўйлаб қизиқарли саёҳат қиладилар. Москвадан Астрахангача борадилар.

ПИОНЕР ЛАГЕРИГА МАРҲАМАТ

Мактабларда ўқув йили тамом бўлиб пионер ёзи бошланяпти.

Шаҳар маориф бўлими ходимлари бу йил ёзги каникулнинг кўнгилли ўтиши учун яхши тайёргарлик кўрдилар. Ҳар галдагидек шаҳар атрофидаги энг хушманзара жойларда ўнлаб пионер лагерлари ташкил этилди. Пойтахтимиздаги Горький номли, Пушкин номли, Шумилов номли ва Абдулла Набиев номли истироҳат боғларида ҳамда Комсомол кўлида ҳам ана шундай лагерлар ёш авлоднинг яхши дам олиши учун тахт қилиб қўйилади. Уларда пионер ва ўқувчиларнинг каникулни кўнгилли ўтказишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Мазкур пионер лагерларида бу йил 20 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари дам олади.

Аввалги йилларда мактабларнинг ўзида пионер лагерлари ташкил қилинган бўлиб, бу яхши самара берган эди. Бундай традиция бу йил ҳам давом эттирилади. Масалан, шаҳардаги 50, 80, 37, 105-ва бошқа мактабларнинг соя-салқин ҳовлиларида шунингдек, ўн бешта болалар уйида ана шундай пионер лагерлари ёзги каникул давомида ишлаб туради.

Қишлоқ районларининг мактаб ўқувчилари учун эса колхоз ва совхозларда пионер лагерлари ташкил этилади. Яхши дам олиш фақат ҳордиқ чиқариш билангина чекланмайди. Бу йил пионер ва ўқувчиларнинг туристик маршрутлари энг хушманзара жойлардан ўтади. Жонажон ўлканинг тоғ ва водиларига бир неча туристик саёҳатлар уюштирш кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда завод ва фабрикаларга, колхоз ва совхозларга қатор экскурсиялар, илғор кишиларимиз, революция ветеранлари, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар уюштирилади. Буларнинг ҳаммаси пионер ёзининг қувноқ ва кўнгилли ўтиши учун хизмат қилади.

М. ЗАРИПОВ.



Дам олиш кунингизни, бўш вақтингизни Ленин комсомоли номидаги кўлда ўтказинг. Бу ерда чинакам ҳордиқ чиқаришингиз учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. Айниқса қайиқда сайр қилишнинг ўзгача гашти бор.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ТАҚДИРИ

Бўз-сариқ ранг қум тўлқинлари. Ҳаммаёқни хароб қиладиган қуюн кўтарилади. Кўллар қуриб қолган... Фақат воҳалардаги яшил жойларгина Ўрта Осиё чўлларида ҳаёт бўлиши мумкинлигини билдирган.

Сувсиз чўлда ҳаёт йўқ. Ҳатто қумлар орасидан ўтиб Орол денгизига келган Амударё ва Сирдарё ҳам унга батамом ҳаёт бағишлайолмаган. Бу дарёлар қиргоқдаги тор водийларгагина ҳаёт бахш этганлар. Чўлнинг сувга чанқоқ ерларини қондириш учун гигант дарёларни қиргоқдан чиқариш, чўлни каналлар тармоғи билан қоплаш, сувни чуқурликдан олиб чиқиш лозим бўлган.

Ҳозир Ўрта Осиё саҳроларида боғлар бунёдга келди. Пахта, шоли майдонлари, узумзорлар, бирмунча кенгайди. Ҳозир олти миллион гектар ер ўзлаштирилди. Лекин 30 миллион гектарга яқин ерни ўзлаштириш мўлжалланган.

Бу проблема устида ҳозир Москва давлат университети, «Гидропроект», СССР Фанлар академиясининг география институти, Океанология институти каби ташкилотларнинг олимлари ва инженерлари иш олиб бормоқдалар. Лойиҳалар кўп. Қатъий бир қарорга келишдан аввал тадқиқотчилар бу лойиҳаларнинг яхши ва ёмон томонларини яна ва яна ўрганиб кўрмоқдалар.

ДАРЁЛАР ЧЎЛГА ОҚАДИ

Қорақум канали Амударё сувларини чўлнинг тобора ичкарисига олиб кирмоқда. Янгидан минглаб гектар пахтазор, кўкламзорлар пайдо бўлмоқда. Ўтган йили Гиғур водийсининг суғориладигач ерларида маккажўхори, қанд лавлаги, қовун ва тарвуздан мўл ҳосил етиштирилди.

Бироқ сувнинг чўлга олиб кирилиши Орол денгизининг пастбаландлик даражасига сезиларли таъсир қилмоқда. Олимлар Орол денгизининг яқин ўн йилликдаги сув балансини ҳисоблаб чиқдилар. Агар Амударё ва Сирдарё сувининг йўқолиши ниҳояти икки марта кўпайса — қирқ уч миллиард куб метрдан саксон уч миллиард куб метрга етса, Орол денгизининг сатҳи беш метрга пасаяди. Бундан ташқари Орол денгизи юзасидан ҳар йили 64 куб километр сув буғланади, унинг бир қисми фильтрлашга кетади. Сувнинг бундай сарфланиши оқибатида Орол денгизи 2000-йилга бориб йўқ бўлиб кетади.

Орол денгизидан ғарбдаги катта чўл массивларини суғориш лойиҳаси амалга оширилиб, денгизнинг саёзланиши янада тезлашиб кетади.

Амударёда сувни кўтарадиган тўғон қурилиши билан сув Қорақум каналига ўз-ўзидан оқадиган бўлади. Сув чўл қаърига тобора кўпроқ кириб, Каспий денгизигача етиб боради. Амударё суви Тежен ва Мурғоб дарёлари ҳавзаларидаги: Копетдоғ тоғ бағридаги миллион гектарга яқин саҳро ерларини суғорибгина қолмай, Атрек субтропик водийси ва ғарбий Туркманистон районларидаги ерларни ҳам суғоради.

Агар Қорақум канали Каспий денгизигача борса, Шимолий Туркманистон каналлари Амударёнинг қуйи оқимини Каспий билан боғласа, у ҳолда Ўрта Осиёдаги ирригация ҳалқаси туташади.

Оқаётган дарёнинг ундан икки суви тўсилганда Орол денгизининг сатҳи йигирма олти-йигирма етти метрга пасаяди. Орол денгизи шўр сувли бир неча сув ҳавзаларига бўлиниб кетади.

СИБИРЬ СУВЛАРИ ОРОЛ ДЕНГИЗИДА

Денгизнинг йўқ бўлиб кетиши ҳақидаги фикрнинг ўзи ғалати эмасмикин? Сон-саноқсиз сунъий ҳавзалар, кўл, денгизлар, вужудга келтириш билан биз айни чоғда жаҳондаги энг йирик кўлларидан бирини йўқ қилиб юборамиз. Бундан бошқа йўл йўқмикин?

Олимларда Сибирь дарёларини Орол денгизига буриб юбориш, Обь ва Енисейни йўқ бўлиб кетаётган денгизнинг сув запасларини тўлдиришга мажбур этишдек дадил фикр пайдо бўлди. Лекин бунинг учун жуда катта миқёсда ер ишлари комплексини амалга ошириш, Сибирь дарёларини улкан баландликлар ва тоғлик жойлардан олиб ўтиш, бирнеча сув омборлари қуриш талаб этилади. Саҳронинг миллионлаб гектар ерини сув билан таъминлаш билан Ғарбий Сибирь дарёлари Орол денгизини сақлаб қолади.

БУ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ФОЙДАЛИМИ?

Новости матбуот агентлиги мухбирлари таниқли совет географи, география фанлари доктори, Москва Давлат университетининг профессори Татьяна Звонкова шу савол билан мурожаат қилдилар.

— Орол денгизининг тақдирини ҳал этиб бўлинган деб ҳисоблаш мумкин эмас, — деди Татьяна Звонкова, — биринчи галда иқлимни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, тупроқнинг шўралаши ва бошқа жуда кўп масалалар билан боғлиқ бўлган иқтисодий томонини кўриб чиқиш керак.

Лоақал балиқ хўжалиги масаласини олиб кўрайлик. Орол денгизи балиққа бой. У мамлакатда бир йилда тутиладиган балиқнинг 7 процентини беради. Лекин ҳозироқ денгиз сатҳининг бироз пасайганлиги балиқ ишлаб чиқариш шароитини ёмонлаштирди. Бунга денгиз сувининг шўрроқ бўлиб қолганлиги таъсир этган.

Орол денгизининг йўқ бўлиши орқасида бир чўлда муҳим қурилиш материали манбаи — қўғазор ва қамишлардан маҳрум бўлган бўламиз. Бу тупроқнинг шўралаб кетишига ҳам олиб келиши мумкин.

Аммо бундай балиқ ҳавзасининг йўқолиши ва қурилиш материалидаги етишмовчилик бизга катта таъсир қиладими? Жуда кўп балиқ заводлари борлиги, балиқ тайёрлашнинг ҳозирги методлари туфайли бошқа сув ҳавзаларида бу етти процент ортиғи билан қопланиб кетади. Эҳтимол, қамиш ва қўғалар ўрнини босоладиган қурилиш материаллари ҳам топилиб қолар. Бу масала устида ҳозироқ тадқиқотчилар бош қотирмоқдалар. Ирригация иншоотлари ёрдамида тупроқ шўралашининг олдини олиш мумкин...

Ҳозир олимлар Сибирь дарёларини буриб юбориш билан Орол денгизини сақлаб қолиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди, деган фикрга тобора кўпроқ мойил бўлмоқдалар.

Орол денгизи Ер харитасидан ўчиб кетади. Лекин Ўрта Осиё ирригация ҳалқаси лойиҳаси амалга оширилади, сув миллионлаб гектар саҳроларга ҳаёт бағишлайди, бу ерларни энг серҳосил воҳаларга айлантиради.

Светлана ВИНОКУРОВА,
Аркадий СИМОНЯН,
АПН мухбирлари.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

СССР Футбол федерацияси «А» ва «Б» классида қатнашаётган командаларнинг айрим учрашувларини бошқа кунларга кўчирди. «Пахтакор» командаси Харьковнинг «Авангард» командаси билан ўтказилмай қолган матчни 25 июнда ўтказади. Шунингдек, тошкентлик футболчилар Ашхободнинг «Строитель» командаси билан бўладиган учрашувни аввал белгиланганидек 9 июнда эмас, балки 11 июнда ўтказадилар.

8 июнда эса футбол шинавандалари Марказий «Пахтакор» стадионида мавсумдаги иккинчи халқаро учрашувни кўрадилар. Жаҳоннинг энг кучли футбол клубларидан бири бўлган Ўругвай чемпиони — «Насьональ» командаси Тошкентда «Пахтакор» билан беллашади.

Маълумки, республикамизнинг бешта командаси шу кунларда сафарда юриптилар. Тошкент область «Политотдел» колхози ва Фарғонанинг «Нефтяник» командалари СССР Кубоги учун ўзаро учрашувни, Каменск-Уральскда ўтказдилар. Фарғоналиклар 1:0 ҳисобида ғолиб чиқиб, фахрли Кубок учун курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Самарқанднинг «Спартак» командаси эса навбатдаги календарь учрашувини Оренбург шаҳрида маҳаллий «Локомотив» командаси билан ўтказди ва 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди.

ОБЛАСТИМИЗ ШТАНГАЧИЛАРИ ҒОЛИБ

Қарши шаҳрида уч кун давомида ўтказилган қишлоқ штангачиларининг мусобақалари тугади. «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти Марказий Совети чемпиони деган фахрли номни олиш учун барча областлар ва Қорақалпоғистон автоном республикасининг энг кучли 60 дан ортиқ штангачилари қатнашди.

Мусобақанинг биринчи куниданоқ Тошкент область спортчиларининг қўли баланд эканлиги маълум бўлиб қолди. В. Ли, Е. Миликовский ва В. Кузнецовлар ўз вазнларида фахрли биринчи ўринларни эгалладилар ва командага қимматли очколар олиб бердилар.

Кескин спорт курашларидан сўнг Тошкент область штангачилари умумкоманда ҳисобида ғолиб чиқиб, чемпион бўлдилар. Бухоро область штангачилари иккинчи, Андижон область вакиллари учинчи ўринларни эгалладилар.

Ш. АКБАРОВ.

ОЛИМЛАР БИЛАН ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ СУҲБАТИ

Яқинда Узбекистон Журналистлар союзи Тошкент бўлими, фан ва техникани пропаганда қилиш секцияси Узбекистон ССР Фанлар академияси билан биргаликда «Узбекистоннинг биолог олимлари нималар устида ишламоқдалар» деган темада матбуот конференцияси ўтказди. Матбуот конференциясига Узбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Ленин мукофотининг лауреати, биология фанлари доктори Е. Х. Тўрақулов, академик А. Музаффаров, зоология ва паразитология институти директорининг ўринбосари М. Султонов, шу институт илмий секретари И. Наливкин, ботаника институти лаборатория бошлиғи А. Буткин, шу институт илмий секретари У. Убайдуллаев, биология фанлари доктори В. Николюк ва бошқалар ҳамда республика, область газеталарининг мухбирлари, радио, журнал ходимлари қатнашдилар.

Е. Тўрақулов Узбекистон биологлари олиб бораётган илмий тадқиқотлар ҳақида, уларнинг муваффақиятлари ва нашфиётлари тўғрисида сўзлаб берди.

Матбуот конференцияси охирида вице-президент ва шу ерда ҳозир бўлган олимлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

В. КОПИТОВА.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

30 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00. — **Концерт** (Т. Содиқов номли музика мактаби ўқувчилари ижросида). 17.55 — **Телевизион янгиликлар** 18.10 — **Концерт** («Ташсельмаш» заводи бадиий ҳаваскорлари ижросида). 18.50 — **Енгил атлетика бўйича Урта Осиё республикалари ва Қозғистон командалари ўртасидаги мусобақалар** (Олмаотадан).

19.35 — **Средазвидение. Каспийдан Тянь-Шангача.** 19.55 — **Гўзаллик излаб** (адабий эшиттириш).

Ўзбек тилида: 20.15 — **Телевизион янгиликлар.** 20.30 — **Полковник Бидл бизнеси** (телевизион театр).

Рус тилида: 21.20 — СССР халқ артисти, кинорежиссёр **Комил Ёрматов** («Совет киноси ўсталари» циклидан). 22.30 — **Эстрада концерти.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V да **Риголетто**, 31/V да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Русалка.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V да **Зуҳранинг мактублари** 31/V да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ ВИНОДА:

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да). «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Жунгли — «ВАТАН» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 6 да).

Аҳмад қаерда? — «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 10 да).

Король Королю — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11.40, кундуз 3-20 ва кеч 6-40 минутда).

Қонун-қонундир — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, 5, кеч 8-20 минут ва 10 да).

Икки яншанба — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4, ва кеч 9-45 минутда). «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Севги ва мода — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 10 да).

Палиастоми — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ ВИНОДА

(кеч соат 9 ва 10 яримда)

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ОКТЯБРЬ».

Жунгли (кеч соат 9 да). **Эсни хусумат** (кеч 10 яримда). «ВАТАН».

Король Королю — НАВОИЙ номли.

Оқ карвон — «ФЕСТИВАЛЬ».

Қора инфобда — КАФАНОВ номли.

1964 йил 10 июнь кундуз соат 2 да. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, Физика-техника институтининг конференц-зали) қуйидагилар физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

А. У. Каримов: «Аналитик динамиканинг дифференциал тенгламаларини интеграллашнинг баъзибир умумий методлари» деган тема.

А. А. Йўлдошев: «2, 8-10 Гэв энергияси соҳасида протон ва П-мезонларнинг протонларда эластик сочилиши» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ГАСТРОНОМ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИ

билдиради ки,

МАГАЗИНЛАР ҲУЗУРИДАГИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

ҳар қанча миқдорда

ШИША ВАНКАЛАР ВА БАЛЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

№ 1—Хоразм кўчаси, 25-уйда. № 2 — Киров кўчаси, 20-уйда. № 3—3-Сапёрний проезд, 4-уйда. № 5—Сельмаш кўчаси, 1-уйда. № 6—Ульянов ва Свердлов кўчалари бурчагида. № 7 — Олмазор кўчаси, 165-уйда. № 11—Навоий кўчаси, 51-уйда. № 13—Шота Руставели кўчаси, 53-уйда. № 19 — Пионер кўчаси, 6-уйда. № 22—Ҳужанд кўчаси, 10-уйда. № 23—Назмайлов ва Новомосковская кўчалари бурчагида.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 28-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05605 ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1764.